2007 ЙИЛ, 18 ЯНВАРЬ, ПАЙШАНБА

Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ № 12 (10.821) Баҳоси эркин нархда

XXI АСР САДОСИ

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

● «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси томонидан ташкил этилган ва замонавий тиббиёт анжомлари билан жиҳозланган «Саломатлик» поезди Тошкентдан Жиззах вилоятига жўнаб кетди. Малакали тиббиёт ходимларидан иборат мутахассислар икки ҳафта давомида вилоятдаги Дўстлик тумани аҳолисига, биринчи навбатда оналар ва болаларга, ногиронлар ва қарияларга малакали тиббий хизмат кўрсатади.

● Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан Тошкентдаги «Умид» болалар спорт мажмуасида «Ҳарбий аёллар спартакиадаси» ўтказилди. Унда Мудофаа, Ички ишлар вазирликлари ва «Ватанпарвар» ташкилоти Марказий Кенгашида фаолият юритаётган хотин-қизлар спортнинг стол тенниси, волейбол ҳамда енгил атлетика турлари бўйича беллашишди.

● ЎзЛиДеПнинг «Ёшлар қаноти» бўлими «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш зарурати: сиёсий партиялар ва ёшлар» мавзуида анжуман ўтказди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, сиёсатшунослар, ЎзЛиДеП «Ёшлар қаноти» етакчилари ва пойтахтдаги 29 та олий ўқув юртининг фаол талабалари иштирок этишди.

● Косон ёғ-экстракция очиқ акциядорлик жамиятида ФМДП Косон туман кенгаши, туман «Камолот» ЁИҲ ҳамкорлигида Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари ташкил топганлигининг 15 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари кунига бағишланган «Ўз ишининг билимдони» кўрик-танлови ташкил этилди.

● Хоразм вилоятидаги Тупроққалъанинг «Гурлан» маҳалласида болалар спорт мажмуаси қурилиши ниҳоясига етказилмоқда. Мажмуа учун Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят бўлими томонидан 7 миллион 330 минг сўмлик спорт анжомлари ва 200 минг сўмлик махсус кийим-кечаклар ҳозирлаб қўйилган.

●Тошкент Темир йўл транспорти муҳандислари, Авиация, Автомобиль йўл, Архитектура-қурилиш, Маданият институтлари ва Ахборот технологиялари университети томонидан ташкил этилган «Мунозара-клуб»нинг семинари «Ташиш жараёнида логистика ва ахборотлаштириш муаммолари» деб номланди.

● Шу кунларда «Mehrjon-sport» республика ижтимоий хайрия жамғармаси Тошкент шаҳри ва вилоятида жойлашган Меҳрибонлик уйлари, болалар шифохоналарига ўзига хос хайрия акцияларини уюштирмоқда. Ҳозиргача жамғарма томонидан Тошкентдаги 22, 23, 24, 30, 31- ҳамда Бўка туманидаги 15-, Чирчиқ шаҳридаги 14-, Ангрендаги 34-Меҳрибонлик уйларига кийим-кечак, чойшаб ва бошқа маиший жиҳозлар, турли хил шарбат маҳсулотлари тарқатилди.

ЖАҲОНДА

● АҚШ Мудофаа вазири Роберт Гейтс Афғонистондаги вазиятни муҳокама қилиш учун Кобулга келди. Гейтс мамлакат Президенти Ҳамид Карзай ва бошқа расмийлар билан толибларга қарши кураш масаласини муҳокама этмоқда.

● Исроил бош ҳарбий штаби бошлиғи генерал-лейтенант Дан Халуц истеъфога чиқди. Ўтган йили ёзда Ливанда ўтказилган ҳарбий компаниянинг муваффақиятсизлиги бунга сабаб бўлди. Мамлакат Мудофаа вазири Амир Перес бош штабга янги бошлиқ тайинлангунга қадар Халуц ўз вазифасини бажариб туришини таъкидлади.

● Словакия ҳукумати қабул қилган қарорга биноан ушбу мамлакатнинг ҳарбий хизматчилари Ироқни тарк этишмоқда. Ироқдаги халқаро ҳарбий қўшинлар таркибида бўлган Словакия ҳарбийлари февраль ойининг охиригача мамлакатдан чиқарилади. Лекин 11 нафар словакиялик ҳарбий Ироқдаги ҳарбий коалициянинг штабида қолиши таъкидланмоқда.

● Россия ҳукумати мамлакатда террорчилик ҳуружи рўй бериши мумкинлигидан огоҳлантирди. Россия миллий аксилтерроризм қўмитаси метро ёки бошқа жамоат транспортида теракт содир этилиши мумкинлиги тўғрисида хориждаги ҳамкорлардан маълумот олган. Айни пайтда Москвада ва мамлакатнинг бошқа шаҳарларида хавфсизлик чоралари кучайтирилган. Аэропортларда юклар юз фоиз текширилмоқда, метрода уяли телефонлар ўчирилмоқда.

● Грузиянинг ғарбий ҳудудлари ва тоғлик жойларига тўрт кундан бери тинмасдан ёғаётган қор сабабли юз минг киши электр қуввати ва иссиқлик энергиясисиз қолди.

● Японияниг «Mitsubishi» компанияси Россияда автомобиль ишлаб чиқарувчи завод очишни режалаштирмоқда. Умумий қиймати 415 миллион АҚШ доллари ҳажмида баҳоланаётган корхона 2010 йилгача қуриб битказилади. «Mitsubishi»нинг бундай режа тузишига компания автомобилларига Россияда талаб катта эканлиги сабаб бўлди.

● Швейцарияда мамлакат тарихида ҳали учрамаган улкан иқтисодий жиноят иши юзасидан суд жараёни бошланди. Swissair миллий авиаташув компаниясининг банкротга учрашида асосан компания директорлар кенгашининг аъзолари ва топ-менежерлар айбланмоқда. Суд жараёни еттита алоҳида жиноий иш бўйича олиб борилади.

ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ НАФАҚАТ ХОНАДОНЛАРИМИЗ НУРАФШОНЛИГИНИ ТАЪМИНЛАЙДИ, БАЛКИ ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИНИНГ БАРЧА СОҲАЛАРИ РИВОЖИДА КАТТА АҲАМИЯТ КАСБ ЭТАДИ. УНИ ИСРОФ ҚИЛМАЙ ТЕЖАБ-ТЕРГАБ ФОЙДАЛАНИШ, ИШЛАТИЛГАН ЭЛЕКТР ҚУВВАТИ САРФИ УЧУН ЎЗ ВАҚТИДА ҲИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ҲАР БИР ИСТЕЪМОЛЧИНИНГ БУРЧИ ҲИСОБЛАНАДИ.

Ўлчов — тежамкорликка гаров

ПОЙТАХТНИНГ бир куни

Янгиликлар, воқеалар



ЗАМОНАВИЙ ЭЛЕКТРОН ҲИСОБЛАГИЧЛАР

Албатта, электр қувватидан самарали фойдаланиш, исрофгарчиликнинг олдини олишда, ўғринча фойдаланишларга чек қўйишда ҳозирда корхона ва хонадонларга ўрнатилаётган электрон ҳисоблагичларнинг ўрни алоҳидадир. Мамлакатимизда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари асосида эскиларининг ўрнига янги электрон ҳисоблагичларни ўрнатиш ишлари босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Ўрнатилаётган электрон ҳисоблагичларнинг афзаллик томони шундаки, аввало у электр қувватини аниқ ўлчайди, ўғриликларга, ноқонуний фойдаланишларга чек қўяди. Муҳими, янги электрон ҳисоблагичларга ташқаридан ҳеч қандай таъсир ўтказиб бўлмайди. Уларга замонавий интерфейс ҳамда микрочип қурилмалари ўрнатилган бўлиб, электр энергиясини ҳисобга олишнинг автоматлаштирилган тизимларида самарали қўллаш мумкин.

Шаҳримизда фаолият кўрсатаётган ва йилдан йилга ишлаб чиқариш ҳажмини оширишга, маҳсулот турларини кўпайтиришга интилаётган «Elektron-Xisoblagich» Ўзбекистон—Хитой қўшма корхонасида ана шундай электрон ҳисоблагичлар тайёрлаш йўлга қўйилган. 2004 йилда иш бошлаган ушбу қўшма корхона «Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компаниясининг «Энергосотиш» филиали, «Тошкент шаҳар электр тармоқлари корхонаси» акциядорлик жамияти ва Хитойнинг «Hanqzhou Zhonqya Technoloqy Co. Ltd» компанияси ҳамкорлигида ташкил этилган. Корхона цехларининг замонавий техника ва ускуналар билан жиҳозланганлиги, ишчилар малакасининг оширилгани сифатли ва рақобатбардош электрон ҳисоблагичларни тайёрлашда қўл келмоқда.

—Барча ишлаб чиқарилаётган электрон ҳисоблагичларимиз сертификатланган бўлиб, талабга жавоб беради,—дейди корхона бош директори Ойбек Дўстмуҳамедов.—Жорий йилда буюртмаларни тўлиқ ва ўз вақтида адо этишга муваффақ бўлиб, 350 мингтадан зиёд электрон ҳисоблагичлар ишлаб чиқардик. Бир фазали—DDS28, DDS28X, DDS28U электрон ҳисоблагичларимиз пойтахтимиз ҳамда вилоятлардаги хонадонлар учун мўлжалланган бўлиб, уч фазали—EX541, EX 531 маркали электрон ҳисоблагичлар корхоналарга ўрнатилади. Уч фазали электрон ҳисоблагичларни жорий йилнинг 4-чорагидан бошлаб ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик. Энг асосийси эса ҳисоблагичларимизнинг 3 йиллик кафолат муддати бор. Шуни ҳам айтиш жоизки, қўшимча 5 та ишчи ўринлари яратдик. Ўтган давр мобайнида пойтахтимизнинг Яккасарой ва Миробод туманларига ўрнатилиб тизимга уланган электрон ҳисоблагичларимизнинг самараси яққол кўзга ташланмоқда, яъни исрофгарчилик, ғирромлик камайиб, тўловлар 30 фоизга ошганлигини кўриш мумкин.

Корхонада тайёрланаётган электрон ҳисоблагичнинг яна бир афзаллик томони агарда у бузилиб қолди дейлик. Лекин хотирасидаги ишлатилган электрон қуввати кўрсаткичи ўчиб кетмайди. Шунинг баробарида четдан келтириладиган худди шундай маҳсулотдан арзон ҳамда сервис хизматларининг корхонанинг ўзида кўрсатилиши билан ажралиб туради. Хизмат кўрсатиш муддати 30 йилни ташкил этиб, ҳар 6 йилда текшириб турилади. Корхона қошида ташкил этилган фирма дўкони эса аҳоли хизматида.

Жорий йилни зиммаларидаги вазифаларни масъулият билан адо этиб якунлаётган жамоа аҳли 2007 йил режаларини ҳам белгилаб олган. «Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компанияси буюртмаси асосида 400 мингта бир фазали электрон ҳисоблагичлар тайёрлаш кўзда тутилган. Ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, маҳсулот таннархини арзонлаштиришга ҳам муҳим эътибор қаратилади. Бунинг учун эса жорий йилда бунёд этилган замонавий ускуналар билан жиҳозланиб, маҳсулот корпуслари, айрим бутловчи қисмлар тайёрлаш ўзлаштирилади. Албатта, 10 нафарга яқин йигит-қиз иш ўринларига эга бўлади. Корхона ва ташкилотлар учун 3 фазали электрон ҳисоблагичлар ишлаб чиқариш ҳам давом эттирилади.

Яна бир эътиборли томони хусусида тўхталадиган бўлсак, ҳозирда тадбиркорлар маҳсулот экспорти бўйича ҳам иш олиб бормоқда. Келгусида улар Тожикистон ва Қирғизистон давлатларига электрон ҳисоблагичлар етказиб беришни ҳам режалашган. Бу эса мамлакатимизга валюта тушуми ортишида муҳим аҳамият касб этади.

Албатта, бундай муваффақиятларга эришишда корхонадаги етук мутахассислар, ишчи ва хизматчиларнинг муносиб ҳиссаси бор. Ана шуни ҳисобга олган ҳолда уларни моддий ва маънавий рағбатлантиришга доимий эътибор қаратилмоқда. Корхонада ўртача иш ҳақи 150 минг сўмни ташкил этгани ҳолда ишчиларга маҳсус иш кийимлари ажратилади. Ижтимоий ҳимоя йилида эса мақсадлар янада юксак. Ишчиларнинг соғлиғини мустаҳкамлаш, сиҳатгоҳ ва профилакторийларга, болалар дам олиш оромгоҳларига йўлланмалар ажратиш кўзда тутилмоқда. Энг асосийси эса буларнинг барчаси жамоани баракали меҳнатга, сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришга ундайди. Ушбу маҳсулот—замонавий электрон ҳисоблагич эса қимматбаҳо бойлигимиз—электр энергияси тежамкорлигида катта аҳамиятга эга.

Шарифа ИЛЁСОВА

СУРАТДА: корхона фаолиятидан лавҳа

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

ГЕОЛОГИЯ-ҚИДИРУВ ИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШНИ ҲАМДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ ГЕОЛОГИЯ ВА МИНЕРАЛ РЕСУРСЛАР ҚЎМИТАСИ ФАОЛИЯТИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Республикада қазиб чиқариш ва қайта ишлаш корхоналари, қурилиш индустрияси корхоналарининг минерал хомашё базасини яратиш ва кенгайтириш чора-тадбирлари изчиллик билан амалга оширилмоқда. Нодир ва камёб ер металлари, агрокимё ва кон-руда хомашёси, қурилиш материаллари, ер ости чучук ва минерал сувларининг заҳиралари кўпайиши таъминланмоқда.

Шу билан бирга, саноат аҳамиятига эга бўлган минерал-хомашё базаси етарли суръатларда ривожланмаяпти. Айрим потенциал рудали ҳудудлар суст ўрганилмоқда. Геология-қидирув ишлари давомида илм-фанга асосланган технологиялар етарлича қўлланилмаяпти, илмий-тадқиқот салоҳияти анча заифлашган ва асоссиз равишда тарқоқлашган. Геология-қидирув ишларини ташкил қилиш тузилмаси ва бошқарув усуллари замон талабларига жавоб бермаяпти. Ишларнинг пировард натижаларига қараб эмас, балки физик ҳажмларига қараб баҳо беришдан иборат умрини яшаб бўлган амалиёт ҳамон сақланиб қолмоқда. Кончилик, бурғулаш ва лаборатория асбоб-ускуналарининг ниҳоятда эскирганлиги, шунингдек, махсус приборлар билан яхши жиҳозланмаганлиги қидирув ишларини замонавий усул ва технологиялар асосида ўтказиш имкониятларини чеклаб қўймоқда.

Геология-қидирув ишларини ривожлантириш давлат дастурларини шакллантириш, амалга ошириш ва уларнинг бажарилишини мониторинг қилиш механизмини тубдан такомиллаштириш, уларни фойдали қазилмалар заҳираларини ўстиришга, илм-фанга асосланган технологияларни жадал татбиқ этишга йўналтириш, тармоқ учун кадрлар тайёрлаш даражасини ошириш мақсадида:

1. Қуйидагилар геология тармоғини ислоҳ қилишнинг асосий устувор йўналишлари этиб белгилансин:

энг аввало углеводород хомашёси, қимматбаҳо, рангли, нодир металлар ва уранни, шунингдек ер ости чучук ва минерал сувларни қидириш ҳамда разведка қилиш самарадорлигини оширишни таъминлайдиган геология-қидирув ишларининг ташкилий тузилмасини, бошқарув ва прогноз қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш;

ер қаъридан самарали фойдаланиш ва минерал хомашё қазиб чиқариш талабларини ҳисобга олган ҳолда фойдали қазилмалар геологик заҳираларини чуқур таҳлил этиш, уларни прогноз қилишнинг замонавий технологиялари ва илғор усулларини кенг қўллаш асосида геологияга оид ахборотларнинг холислиги ва ҳаққонийлигини ошириш;

геология-қидирув ишлари самарадорлигига баҳо бериш асосида бу ишларни молиялаштириш ҳамда тармоқнинг пировард натижаларига – фойдали қазилмаларнинг саноат заҳиралари ўсишига қараб рағбатлантиришнинг замонавий усулларини жорий этиш;

тармоқ корхоналарини тубдан модернизациялаш ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш;

геология соҳасида малакали кадрлар тайёрлашни такомиллаштириш.

2. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги Молия вазирлиги Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси ҳамда Давлат мулки қўмитасининг:

Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси таркибида "Нодир ва рангли металлар геологияси", "Уран ва камёб ер металлари геологияси" ҳамда "Гидроминерал ресурслар геологияси" илмий-ишлаб чиқариш марказларини ташкил қилиш;

1-иловага мувофиқ Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси тизимидаги корхоналарни қайта ташкил этиш ва тугатиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

3. Белгилансинки, Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси таркибида ташкил этиладиган илмий-ишлаб чиқариш марказлари геология-қидирув ишларининг муайян йўналишлари бўйича ихтисослаштирилади ва минерал хомашёнинг стратегик турларини комплекс равишда, тизимли тадқиқ этиш, қидириш, баҳо бериш ва разведка қилиш учун илмий ва ишлаб чиқариш бўлинмаларини ўз таркибида бирлаштиради.

Қуйидагилар янги ташкил этиладиган илмий-ишлаб чиқариш марказларининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

истиқболли ҳудудларни аниқлаш ва уларнинг геологик потенциалини баҳолаш;

геология-қидирув ишларининг замонавий усуллари ва технологияларини ишлаб чиқиш ҳамда жорий этиш;

Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси томонидан тасдиқланган дастурларга мувофиқ истиқболли майдонлардаги геология ишларини мувофиқлаштириш;

геология-қидирув ишларини ривожлантириш дастурларининг пудрат корхоналари томонидан бажарилишини назорат қилиш, иш услубияти ва йўналишларидаги ўзгаришлар тўғрисида, шунингдек объектларнинг истиқболли эканлиги тасдиқланмаганида ишларни тўхтатиб туриш ҳақида таклифлар киритиш.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасининг ташкилий тузилмаси ҳамда унинг бошқарув ходимлари чекланган сони 65 кишидан иборат марказий аппарати тузилмаси 2- ва 3-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси бир ой муддатда Қўмитага бўйсунувчи корхоналарни тегишли равишда қайта ташкил этсин, шу жумладан давлат корхоналарининг низомларини тасдиқласин.

(Давоми 2-бетда)

Қиска сатрларда

● **БУГУН** Тошкент политехника касб-ҳунар коллежида Миробод туманидаги касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар «Камолот» ЁИҲ бошланғич ташкилотлари етакчилар кенгаши аъзолари иштирокида «Ўзбекистон — умумий уйимиз» мавзуида семинар ўтказилди.

● **ҚИЗИЛ** Ярим Ой жамияти, Фахрийларни қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармасининг Мирзо Улуғбек туман бўлимлари ҳамкорлигида тумандаги «Жасорат» боғида уюштирилган тадбирда уруш ва меҳнат фахрийлари иштирок этишди.

● **ЎРОЛ** Тансиқбоев уй-музейида Ўзбекистон Бадиий академияси меҳнат фахрийлари асарларининг кўргазмаси намойиш этилди.

● **«ELEGANT XON»** салони ташаббуси билан уюштирилган кўргазма намойишида ушбу салонда тайёрланаётган пардалар ҳамшаҳарларимиз эътиборига ҳавола этилди.

● **РЕСПУБЛИКА** таълим маркази ташаббуси билан педагоглар иштирокида ўтказилган тадбир «Ўқувчи ёшлар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарлик ҳоллари содир этилишининг олдини олиш» деб номланди.

● **ТОШКЕНТ** тиббиёт академиясида мамлакатимиз микробиологлари томонидан яратилган янги препаратнинг тақдимот маросими бўлиб ўтди.

● **ЧИЛОНЗОР** туманида партия фаоллари иштирокида «Адолат» социал демократик партиясининг туман бўлими ташаббуси билан уюштирилган тадбирда жамият тараққиётида сиёсий партияларнинг тутган ўрни борасида сўз борди.

● **РЕСПУБЛИКА** клиник шифохонасига ҳамда Тошкент шаҳар биринчи шифохонасига Халқаро Қизил Хоч ташкилоти ҳомийлигида тиббий анжомлар келтирилди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯВИЙ СУДИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг 17 январь куни бўлиб ўтган мажлисида "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 74-моддасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритиш ҳақида"ги иш кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 83-моддасига мувофиқ Конституциявий суд қонунчилик ташаббуси тартибида ушбу қонун лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига кўриб чиқиш учун киритиш ҳақида қарор қабул қилди.

Мажлисда Конституциявий суднинг 2006 йилдаги фаолияти якунлари муҳокама этилди. Конституциявий суднинг фаолияти таҳлил қилиниб, 2007 йилнинг биринчи ярмига белгиланган тадбирлар тасдиқланди ва конституциявий ишларни юритишни янада такомиллаштириш чоралари белгиланди.

ЎзА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

ГЕОЛОГИЯ-ҚИДИРУВ ИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШНИ ҲАМДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ ГЕОЛОГИЯ ВА МИНЕРАЛ РЕСУРСЛАР ҚЎМИТАСИ ФАОЛИЯТИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми.Боши 1-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси раисига, зарур ҳолларда, ходимларнинг белгиланган умумий сони доирасида Қўмитанинг марказий аппарати тузилмасига ўзгартишлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

5. Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда мазкур қарорда белгиланган геология соҳасини ислоҳ қилишнинг асосий устувор йўналишлари ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси тўғрисидаги янгиланган Низомни тасдиқласин.

6. 2007-2010 йилларда геология-қидирув ишларига илм-фанга асосланган замонавий технологиялар ва асбоб-ускуналарни татбиқ этиш Дастури, шунингдек Давлат геология қўмитаси тизимидаги корхона ва ташкилотларни модернизация қилиш ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш чора-тадбирлари 4, 4а-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлиги билан биргаликда Дастурда тасдиқланган вазифаларнинг белгиланган муддатларда амалга оширилиши ва уларнинг зарур молиявий манбалар билан мустаҳкамланишини таъминласин.

7. Белгилансинки:

геология-қидирув ишларининг ўрта муддатли (3 йилгача даврга) ва узоқ муддатли (3 йилдан ортиқ даврга) дастурлари Давлат геология қўмитаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда ишлаб чиқилади ҳамда Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади;

геология-қидирув ишларининг ҳар йиллик дастурлари Давлат геология қўмитаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда геология-қидирув ишларининг тасдиқланган ўрта ва узоқ муддатли дастурларини амалга ошириш доирасида тасдиқланади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлиги икки ой муддатда Давлат геология қўмитаси тизими бўйича геология қидирув-ишларининг ҳар йиллик дастурларини шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низомни ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин.

8. Қуйидагилар 2011 йилнинг 1 январигача, божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари божхона тўловларидан озод этилсин:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳар йили тасдиқлайдиган рўйхатлар бўйича Давлат геология қўмитаси томонидан олиб келинадиган ускуналар ва автотранспорт воситалари, материаллар, шунингдек ускуналар учун эҳтиёт қисмлар;

«Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси, Давлат геология қўмитаси ва «Ўзбекнефтгаз» МХК томонидан, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлиги билан келишилган рўйхатлар бўйича олиб келинадиган космик суратга олиш материаллари, ускуналар ва уларга ишлов бериш учун дастур таъминоти.

9. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Тошкент давлат техника университети, Ўзбекистон Миллий университети ва Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси билан биргаликда бир ой муддатда:

геология мутахассисликларига нисбатан қўйиладиган замонавий талаблардан келиб чиқиб, мазкур мутахассисликлар бўйича ўқув режалари ва таълим жараёни дастурларини тубдан такомиллаштириш;

факультетларнинг профессор-ўқитувчилар таркибидан геология ва бурғулаш йўналиши бўйича малака ошириш ва малакани ўзгартириш, шунингдек камёб ер металлари геологияси соҳаси бўйича мутахассислар тайёрлаш учун кадрларни етакчи хорижий олий ўқув муассасаларига юбориш;

Тошкент вилоятидаги Оқсоқота ва Бурчмулла ихтисослаштирилган ўқув геология полигонларини реконструкция қилиш ва жиҳозлаш;

геология соҳаси корхоналарининг факультетларни зарур ўқув-лаборатория ускуналари, компьютер техникаси ва кутубхона фонди билан жиҳозлашда ҳомийлик ёрдамини кенгайтириш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқсин, тасдиқласин ва 2007-2008 ўқув йили мобайнида амалга оширишни таъминласин.

10. Навоий вилояти ҳокимлиги бир ой муддатда Давлат геология қўмитасининг базавий посёлкаларини жорий ҳолати бўйича коммунал инфратузилмаси билан бирга 5-иловага мувофиқ балансга қабул қилсин.

«Ўзбекэнерго» ДАК Давлат геология қўмитасининг базавий посёлкаларини электр энергия билан таъминлайдиган паст вольтли электр узатиш линияларини жорий ҳолати бўйича ўз балансига олсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2004 йил 25 мартдаги 139-сонли қарори 2-бандининг иккинчи хатбоши, шунингдек мазкур қарорнинг 1 ва 2-иловалари ўз кучини йўқотган деб ҳисобласин.

12. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2007 йил 17 январь

Иқтисодиёт

АҲОЛИ МАМНУН

ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗГА МАИШИЙ ХИЗМАТНИ ТАЛАБЛАР ДАРАЖАСИДА ТАШКИЛ ЭТИШДА, МИЖОЗЛАРНИНГ ДИД ВА ЭҲТИЁЖИГА ЯРАША МЕҲНАТ ҚИЛИШДА МУВАФФАҚИЯТЛАРГА ЭРИШАЁТГАН ТАДБИРКОРЛАРИМИЗ САФИ ОРТИБ БОРМОҚДА.

«Омад-хизмат» масъулияти чекланган жамияти ходимлари ҳам ана шундай масъулиятни зиммаларига олган бўлиб, бу ерда телевизор ва музлаткичларни, оёқ кийимларини таъмирлаш ҳамда бичиш-тикиш ишлари амалга оширилади. Корхона тадбиркорлари ойига мижозларга 1 миллион 200 минг сўмликдан зиёд хизмат кўрсатади. Бу ерга ташриф буюрган ҳар бир мижоз ва буюртмачининг талабини сифатли қондиришга, намунали хизмат орқали уларни мамнун этишга эришилмоқда.

— Корхонамизда 21 нафар ўз касбининг усталари меҳнат қилишади, — дейди раҳбар Дилбар Алимуллаева. — Ана шунинг учун бўлса керак, мижозларимиз сафи ҳам ортиб бормоқда. Кичик тикув цехимизда аҳолидан тушган буюртмалар асосида аёллар ва эркаклар устки кийимлари тайёрланади. Бу борада сидқидилдан меҳнат қилаётган Альфия Баҳромова, Неля Толипова, Мавлуда Яҳёева, Мария Конценко сингари моҳир чеварларимизнинг изланишларини алоҳида таъкидлаш лозим.

Ўтган йил охирида корхонада замонавий таъмирлаш ишлари амалга оширилиб, ишчи-хизматчилар ва мижозларга қулай шарт-шароитлар яратилди. Эндиликда эса хизмат турларини кўпайтиришга ҳам ҳаракат қилинмоқда.

ЯНГИ ДАСТГОҲ

АЛБАТТА, ЗАМОНАВИЙ ТЕХНИКА ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАР АСОСИДА ИШ ЮРИТИШ ИШЛАБ ЧИҚАРИШДА МУВАФФАҚИЯТЛАР ОМИЛИ БЎЛАДИ. УЛАР МАҲСУЛОТ СИФАТИ ВА БОЗОРБОПЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА КАТТА АҲАМИЯТГА ЭГА.

Шу боис ҳам истеъмолчиларни янада сифатли маҳсулотлари билан таъминлашга аҳд қилган «Тошпайпоқ» масъулияти чекланган жамияти тадбиркорлари Россиядан келтирилган пайпоқ тўқиш линиялари қувватидан унумли фойдаланган ҳолда тайёрланаётган товар кўринишини яхшилаш, харидорга манзур этиш учун чет элдан янги дастгоҳ олиб келишга ҳаракат қилишмоқда. Бунинг натижасида эса харидорлар сафини ошириш кўзда тутилган.

— Асосан маҳаллий хом ашёлар — пахта, жун, синтетикадан пайпоқ ва қўлқоплар ишлаб чиқарамиз, — дейди корхона директори Абдуғаффор Ўрозов. — Республика Қуролли Кучлари асосий буюртмачиларимиздан саналади. Бугунги кунга келиб маҳсулотларимиз тури 15 хилдан ортиб кетди. Нафақат катталар, балки болажонларимиз ўчун ҳам пайпоқлар ишлаб чиқараяпмиз. Маҳсулот тайёрлашда иқлим шароитимизга ҳам аҳамият қаратамиз. 2005 йилда 250 миллион сўмликдан зиёд маҳсулот тайёрлаган бўлсак, ўтган йилда бу кўрсаткич бирмунча ортди. Келгуси режаларимиз эса янада юксак. Уларни амалга оширишда Президентимизнинг тадбиркорликка оид Фармон ва қарорларидан оқилона фойдаланамиз.

Корхонанинг 21 нафарни ташкил этган аҳил жамоаси жорий йилда асосан маҳсулот сифати ва турларини оширишга муҳим аҳамият қаратиш ниятида.

Шарофат БАҲРОМОВА

2007 — Ижтимоий ҳимоя йили

КЕКСАЛАР КЎНГЛИ КЎТАРИЛДИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ КАСАБА УЮШМА ҚЎМИТАСИ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ ЙИЛИНИ МУРУВВАТ ТАДБИРЛАРИ БИЛАН БОШЛАДИ.

Собир Раҳимов туманидаги Беруний маҳалласи том маънода зиёлилар маскани ҳисобланади. Бу ерда Ўзбекистон Миллий ҳамда Тошкент Давлат техника университетларининг кўплаб профессор-ўқитувчилари, фахрий домлалар истиқомат қилишади. Техника университети ҳамда маҳалла ўртасида мустаҳкам алоқалар ўрнатилган. Хусусан, университет профессор-ўқитувчилари маҳаллада ўтказиладиган тадбирларда мунтазам иштирок этиб туришади. Шуни инобатга олган ҳолда Ижтимоий ҳимоя йилининг дастлабки кунларида маҳалла аҳлига университет маъмурияти ва касаба уюшмаси томонидан баҳоли-кудрат кўмак кўрсатилди. Яъни, Тошкент Давлат техника университетида узоқ йиллар фаолият кўрсатиб, ҳозирда кексалик гаштини сураётган 8 нафар фахрий ўқитувчига маҳалла идорасида моддий ёрдам берилди. Уч нафар иккинчи жаҳон уруши қатнашчисининг эса уйларига бориб йўқланди. Маҳалла фуқаролар йиғини раиси Бадриддин Расулев эса тадбирда Техника университети билан ҳамкорлик алоқалари давом этишини таъкидлаб ўтди.

— Ижтимоий ҳимоя йили муносабати билан ўқув муассасамизда фаолият кўрсатиб, илм-фан ривожи, ёшлар таълим-тарбиясига меҳнати кўп сингган фахрийларнинг рўйхатини туздик. Шаҳримизнинг деярли барча туманларида истиқомат қилаётган мазкур заҳматкаш фахрийлар сони 115 кишини ташкил этди, — дейди биз билан суҳбатда Тошкент Давлат техника университети касаба уюшма қўмитаси раиси Улуғбек Бойназаров. — Уларнинг оз бўлса-да кўнгилларини кўтариш мақсадида ажратилган 1 миллион 385 минг сўмлик маблағни эгаларига топширмоқдамиз ва бу ишни Беруний маҳалласидан бошладик. Ушбу тадбиримиз бутун йил бўйи давом этади. Хотира ва Қадрлаш куни арафасида эса барча фахрийларимизни байрам дастурхони атрофига жамлаб чиройли концерт дастуридан баҳраманд этиб, совғасаломлар топширмоқчимиз.

Дилмурод ИСМОИЛОВ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНИНГ ҲАЙЪАТ ЙИҒИЛИШИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Унда Президент Ислом Каримовнинг 2005 йил 27 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг 2006 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги қарорининг ижросига оид масала таҳлил этилди. Давлатимиз раҳбарининг «Ўзбекистон Республикасининг 2007 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш бўйича амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар белгилаб олинди.

2006 йилда Республика бўйича бюджет ва бюджетдан ташқари мақсадли жамғармаларга маблағлар йиғиш бўйича белгиланган прогноз кўрсаткичлари 102,9 фоизга бажарилди. Солиқ тўловлари 2005 йилдагига нисбатан 29,3 фоиз кўп ундирилди.

Тадбиркорлик субъектларида ўтказиладиган текширишларни қисқартириш ва улар фаолиятига асоссиз аралашувларнинг олдини олиш борасида солиқ органлари томонидан ўтказилган жами текширувлар сони 21 фоизга қисқартирилди.

Йиғилишда солиқ турлари бўйича айрим прогноз кўрсаткичларини тўла бажариш, боқиманда ва ортиқча тўловларни кескин камайтириш

СОЛИҚ ИДОРАЛАРИ: ЙИЛ ЯКУНЛАРИ САРҲИСОБИ

борасида йўл қўйилган камчиликлар қайд этилди. Бу борада Қорақалпоғистон Республикаси, Сирдарё, Наманган, Бухоро, Фарғона, Сурхондарё, Қашқадарё, Андижон, Самарқанд ва Жиззах вилоятлари солиқ органлари томонидан белгиланган вазифаларни амалга оширишда сусткашликка йўл қўйилганлиги қаттиқ танқид қилинди.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2005 йил 15 июнда қабул қилинган «Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизимини такомиллаштириш ва уни ноқонуний талаб этганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлашга қаратилган изчил фаолият олиб борилди.

Электр энергияси истеъмолини барқарорлаштиришга қаратилган қўшимча чора-тадбирларга оид ҳукумат қарори бўйича жойларда зарур ишлар амалга ошириляпти. Мазкур йўналишда Андижон, Наманган, Сирдарё, Қашқадарё ва Жиззах вилоятларида ишлар талаб даражасида ташкил этилмаган. Йиғилишда мавжуд камчиликларни бартараф этишга қаратилган топшириқлар берилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг солиқ тўловчиларга ахборот хизмати кўрсатиш ва давлат солиқ хизмати органларининг ахборот тизимини янада такомиллаштириш борасидаги қарорининг ижроси жараёнида тизимда ахборот хизмати фаолияти такомиллаштирилмоқда. Аммо айрим солиқ бошқармалари томонидан дастурий маҳсулотларни ҳаётга тўла татбиқ этишда муайян камчиликларга йўл қўйиляпти.

Йиғилишда бюджет даромади бўйича асосий солиқ турлари бўйича белгиланган прогноз кўрсаткичларининг тўлиқ бажарилишини таъминламаган солиқ идоралари танқид қилинди. Бюджет ва бюджетдан ташқари мақсадли жамғармалар бўйича боқимандаларни қисқартириш борасидаги ишларни бўшаштириб юборган икки нафар туман давлат солиқ инспекцияси бошлиғи эгаллаб турган лавозимидан озод этилди. Давлат солиқ органлари раҳбарларининг 48 нафарига интизомий жазо чоралари кўрилди.

Ҳайъат йиғилишида белгиланган вазифаларнинг сифатли бажарилишига қаратилган қарорлар қабул қилинди.

Н.АБДУРАИМОВА,
ЎзА мухбири

МУСИҚА МАДАНИЯТИНИНГ ЮҚОРИ ДАРАЖАДА ШАКЛЛАНИШИДА, РИВОЖЛАНИШИДА, БОСҚИЧМА-БОСҚИЧ ЮКСАК САВИЯДА КАМОЛ ТОПИШИДА САНЪАТ ВА МУСИҚА МАКТАБЛАРИНИНГ РОЛИ БЕҚИЁСДИР. ЧУНКИ АЙНАН ШУ МАКТАБЛАР ЁШЛАРНИНГ УШБУ СОҲАДАГИ БИЛИМЛАРИНИ ЯНАДА ОШИРИБ, МУСТАҲКАМЛАБ БОРИШИДА МУҲИМ РОЛЬ ЎЙНАЙДИ.

Таълим масканларида

ЁШ ИҚТИДОРЛАР ТАҲСИЛ ОЛАДИ

Чилонзор туманида фаолият юритаётган 3-санъат мактаби 40 йилдирки, келажагимиз ворислари бўлмиш ёш авлодга мусиқа ва санъат соҳасида таълим-тарбия бериб келмоқда. Уни битириб чиққан собиқ ўқувчилар бугунги кунда республикамизда ва чет мамлакатларда мусиқа санъатини янада тараққий эттириш борасида меҳнат қилиб келмоқдалар. Жумладан, бугунги кунда санъат мактабида дарс бераётган ўқитувчилардан Лена Шарудо, Лариса Ханина, Нейля Каниева, Неринэ Саруханян, Элла Балиуева ҳам айнан шу масканда таълим олганлар.

Яна шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ушбу мактаб очилгандан буён, яъни 40 йилдан бери А.Калачева, Н.Аракелова, В.Сологонян каби ўқитувчилар ёшларга сабоқ бериб келмоқдалар.

— Мактабимизда таълим олаётган ўқувчиларга ҳар томонлама шарт-шароитларни яратиб берганмиз,—дейди 3-санъат мактаби директори Ҳамидулла Сагдуллаев. — Таълим масканида бугунги кунда 270 нафардан ортиқ ўқувчилар таҳсил олмоқдалар. Уларга ҳар томонлама иқтидорли бўлган малакали ўқитувчиларимиз сабоқ берадилар. Дарҳақиқат, санъат, бу инсонларни эзгуликка чорловчи, яхшиликка ундовчи нурли йўлдир. Ҳар бир киши санъатсиз, мусиқасиз ҳаётини тасаввур қила олмайди, албатта. Истардимки, бизда таҳсил олаётган ёшлар ҳақиқий санъат жонкуярлари, изланувчилари, янгилик яратувчилари бўлиб етишсинлар. Улар келажакда ўз иқтидор ва истеъдодлари билан Ватанимиз шаънини ҳимоя қилсинлар ва унинг довруғини оламга таннум этсинлар. Токи одамзод яшар экан, унинг томирларида сеҳрли куй ва қўшиқлар энг гўзал ҳис- туйғуларга жамланган ҳолда майин наво бўлиб таралаверсин.

Бугунги кунда 3-санъат мактабида 35 нафар ўқитувчи олтита, яъни халқ чолғулари, фортепиано, торли асбоблар, ракс, тасвирий санъат, назарий фанлар бўлимларида ёшларга сабоқ бермоқдалар. Энг замонавий чолғу асбоблари, миллий халқ чолғу асбоблари, компьютер ва маънавият хоналари ҳамиша ўқувчилар билан гавжум.

Ушбу даргоҳда таҳсил олаётган ўқувчилар шаҳримиз ва республикамизда ўтказилаётган турли танловлар ва фестивалларда қатнашиб совринли ўринларни эгаллаб келмоқдалар. Миржалол Сафаров, Дониёр Даминов, Катя Дриндина, Ориф Хўжаев, Клара Насикова, Марям Гажимурадова, Константин Гражданкин ана шундай иқтидорли ўқувчилар сирасига киради.

Бу ерда ҳар ойда «Талантимиз, иқтидоримиз» деб номланган тадбирнинг ўтказилиши ҳам истеъдодли ўқувчиларга эътиборнинг янада қаратилганидан далолат беради. Ўқувчилар иштирокида уюштирилган концерт дастурлари жуда кўплаб мухлисларнинг эътиборини қозонган. Ўтган йилнинг декабрь ва жорий йилнинг бошида мактаб ўқувчилари шаҳримиз мактабларида, Меҳрибонлик уйларида ўз концерт дастурларини намойиш қилдилар.

Дарҳақиқат, санъат, айниқса мусиқа санъати инсонлар қалбида гўзаллик уйғотувчи, яхшилик сари ундовчи, маънавий етукликка чорловчи ажиб бир сеҳрли кучдир. Одамлар ундан завқланадилар, унинг садоси билан ором оладилар ва ўз орзу-мақсадлари сари олға интиладилар. Юқорида таърифини келтирган санъат мактабимиз эса санъат заҳматкашларини ва юлдузларини етиштириб беришда муҳим аҳамият касб этади.

Гулчеҳра САТТОР қизи
СУРАТЛАРДА: 3-санъат мактаби томонидан ўтказилган концерт дастурларидан лавҳалар

Лойиҳалар

«САФИМИЗГА ҚЎШИЛИНГ»

«КАМОЛОТ» ЁИҲ ТОШКЕНТ ШАҲАР БЎЛИМИ КЕНГАШИНИНГ «ЗИЁКОР» МАРКАЗИ ТОМОНИДАН АКАДЕМИК ЛИЦЕЙ ВА КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖЛАРИНИНГ БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТЛАРИ ИШИНИ ТЎҒРИ ЙЎЛГА ҚЎЙИШ, УЛАРГА ТАШКИЛОТ ҲАҚИДА ТЎЛИҚ МАЪЛУМОТ БЕРИШ, АКАДЕМИК ЛИЦЕЙ ВА КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖЛАРИНИНГ БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТИ ЕТАКЧИЛАРИ ВА «КАМОЛОТ» АЪЗОЛАРИНИНГ ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШ, ЁШЛАР ЎРТАСИДА ЯНГИ ЛОЙИҲАЛАР ИШЛАБ ЧИҚИШ ВА УЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ МАҚСАДИДА «САФИМИЗГА ҚЎШИЛИНГ» ЛОЙИҲАСИ ЎТКАЗИЛА БОШЛАНДИ. УШБУ ЛОЙИҲА БОСҚИЧМА-БОСҚИЧ АМАЛГА ОШИРИЛАДИ.

Бугун лойиҳа доирасида махсус гуруҳ ташкил этилиб, гуруҳ томонидан пойтахтда жойлашган 115 та академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари бошланғич ташкилотларида турли мавзуларда амалий семинарлар ўтказилмоқда. Бошланғич ташкилотнинг моҳияти ва унинг аъзоларининг ҳуқуқ ва бурчлари нималардан иборат, вазифаларни тўғри тақсимлаш, етакчилик қобилияти ва етакчи малакасини ошириш, бошланғич ташкилот ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш, режаларни муваффақиятли амалга ошириш, талабалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ўқув семинарларининг асосий мавзуларидир.

Лойиҳанинг иккинчи босқичида соҳалар бўйича ўқув семинарларига мутахассисларнинг жалб этилиши режалаштирилган.

Сиёсий-ҳуқуқий соҳага Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти, маънавий-маърифий соҳага Тошкент шаҳар Маънавият тарғибот маркази, ижтимоий-иқтисодий соҳага Тошкент шаҳар Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари ҳудудий бирлашмаси, спорт ва жисмоний тарбия соҳасига Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, халқаро фаолият соҳасига элчихона вакиллари, экологик, маданият ва санитария ҳолатини яхшилаш соҳасига «Ҳаёт учун таълим» ахборот-тарғибот маркази мутахассислари жалб этилади.

«Сафимизга қўшилинг» лойиҳаси — бу ёшларнинг қизиқишлари бўйича уларни бирлаштириш, қизиқаётган соҳалари ҳақида уларга тўлиқ маълумот бериш ва шу жумладан фаолияти қониқарсиз деб топилган бошланғич ташкилотлар ишини ривожлантиришда катта аҳамият касб этади.

Азимжон ҲУСАНОВ,
«Зиёкор» маркази раҳбари

Санъат

ЭЛЧИХОНА СОВҒАЛАРИ

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ТЕАТРИ РЕПЕРТУАРИДАН ЎРИН ОЛАЁТГАН СПЕКТАКЛЛАРНИНГ САҲНА ЮЗИНИ КЎРИШИДА ҲОМИЙ ТАШКИЛОТЛАРНИНГ ЁРДАМИ ҲАМ КАТТА БЎЛМОҚДА. БУ ЎРИНДА РОССИЯ, ФРАНЦИЯ, ГЕРМАНИЯ, ИТАЛИЯ КАБИ МАМЛАКАТЛАРНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ЭЛЧИХОНАЛАРИ ҲИММАТИНИ АЛОҲИДА КЎРСАТИБ ЎТИШ ЖОИЗДИР.

Театр Хитой Халқ Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси билан ҳам яқин алоқа боғлади. Бу ҳамкорликнинг дастлабки босқичида театр бир неча қимматбаҳо совғаларга эга бўлди. Улар орасида телевизор, DVD-плейер, микрофонлар, халқ чолғулари ижросидаги мусиқали дисклар ҳам бор. Пекин опера ва балет театри репертуаридан ўрин олган асарларнинг видеоспектакллари эндиликда ўзбек актёрларининг мулкига айланди. Хитой маданияти ва санъати тарихига доир нашрлар ҳам тақдим қилинди.

АФСОНАВИЙ ҚАҲРАМОН ҲАҚИДА БАЛЕТ

«УРАШИМО ТАРО» ЯПОН ХАЛҚИНИНГ АФСОНАВИЙ ҚАҲРАМОНИНИ УЛУҒЛОВЧИ АСАР ЯНГЛИҒ КЕНГ ТАРҚАЛГАН. СЕВГИ, ЭЗГУЛИК ВА ИШОНЧ ҲАҚИДА ҲИКОЯ ҚИЛУВЧИ БУ АСАР ЯНГИ БАЛЕТ УЧУН АСОС ҚИЛИБ ОЛИНДИ.

Атоқли бастакор Феликс Янов-Яновский унга жозибадор мусиқа ёзди. Ўзбекистон халқ артисти Иброҳим Юсупов режиссёрлигида постановка қилинадиган бу спектакль яқин орада Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат академик Катта опера ва балет театри репертуаридан ўрин олади.

Мазкур спектакль театрнинг «Японияниг «Тойота сити балет» труппаси билан ижодий ҳамкорлик ўрнатганлигининг ўн йиллиги муносабати билан саҳналаштирилмоқда.

«Урашимо Таро» балетида санъат кошонасининг бир гуруҳ етакчи артистлари қатнашадилар.

Акбар АЛИЕВ

Инсон ва қонун



Юртимизда тинчлик-тотувликни сақлаш, турли жиноятларнинг олдини олишга муносиб ҳисса қўшиб келаётган Миробод туманидаги «Ўзбекистон» маҳалласида жойлашган 120-милиция таянч пунктининг участка инспекторлари хизматидан маҳалла аҳолиси мамнун.

СУРАТДА: 120-милиция таянч пункти катта профилактика инспектори, майор Самариддин Зайниддинов ва профилактика инспектори, лейтенант Жавлон Абдуқодировлар посбонлар билан навбатдаги иш режаларини маслаҳатлашмоқдалар.

ШАҲАР АДЛИЯ БОШҚАРМАСИ ТОМОНИДАН ҲОЗИРГА ҚАДАР 237 ТА ЖАМОАТ БИРЛАШМАЛАРИНИНГ УСТАВЛАРИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИГА ВА ҚАЙТА РЎЙХАТГА ОЛИНГАН БЎЛИБ, БУГУНГИ КУНДА УЛАР ДАВР ТАЛАБИДАН КЕЛИБ ЧИҚҚАН ҲОЛДА ФАОЛИЯТ ОЛИБ БОРМОҚДА. УЛАРДАН 17 ТАСИ ЖАМИЯТЛАР, 30 ТАСИ ЖАМОАТ ФОНДЛАРИ, 21 ТАСИ АССОЦИАЦИЯЛАР, 57 ТАСИ МАРКАЗЛАР, 32 ТАСИ КЛУБЛАР, 27 ТАСИ ФЕДЕРАЦИЯЛАР ҲАМДА 53 ТАСИ БОШҚА ЖАМОАТ БИРЛАШМАЛАРИДИР.

Ислоҳотлар оқимида

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

Жамоат бирлашма (ННТ)ларидан 9 таси давлат ҳокимияти органларининг қарори билан, 228 таси эса таъсисчилар йиғилиши қарори билан ташкил этилган. Фоиз ҳисобида давлат ҳокимияти органларининг қарори билан тузилганлар 3,7 фоизни, таъсисчилар йиғилиши қарори билан тузилганлар 96,3 фоизни ташкил этади.

ННТлар раҳбарларининг 31 таси давлат идорасида, 128 таси жамоатчилик асосида, 109 таси эса асосий иш жойи сифатида ишлайди. Нодавлат нотижорат ташкилотларнинг 157 таси молиявий маблағига эга, 80 таси маблағга эга эмас. Шулардан 12 тасида тадбиркорлик тузилмалари мавжуд, битта ННТ чет эл ташкилотидан грант олган.

Шундан 35 таси хайрия ва ногиронларга ўзаро ижтимоий ёрдам кўрсатиш ташкилотлари бўлиб, ўзларининг устав фаолиятидан келиб чиқиб аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қисмига ҳар томонлама кўмак бериб келмоқда. Яъни ногиронларни спортга жалб қилиш, уларнинг маданий ҳордиқ чиқаришлари учун бадиий кечалар, концертлар уюштириш, танловлар ўтказиш, тарихий жойларга зиёратга, экскурсияларга олиб бориш, ҳар хил тўгараклар ташкил қилиш каби ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, яқинда Тошкент шаҳар ҳокимлиги ахборот хизмати ҳомийлиги ва «Нажот йўли» жамоат ташкилоти ҳамкорлигида «Нур» қаҳвахонасида 500 та ногирон болаларга байрам ва «Шарқ» ёшлар театрида катта концерт тадбири ўтказилди, 30 нафар жамият аъзолари Занги ота зиёратгоҳига олиб борилди.

Ушбу жамоат ташкилоти томонидан Тошкент вилояти ИИБ «Динамо» стадионида «Биз ҳамма нарсани уддалаймиз» спорт тадбири ўтказилди. Унда югуриш, қўл жанги, стол тенниси, шашка-шахмат ўйинлари ташкил қилиниб, 100 га яқин ногиронлар иштирок этишди. Иштирокчиларга мусобақа якунида спорт буюмлари, теннис столлари, коптоклар, магнитофон, мақтов ёрлиқлари ва бошқа қимматбаҳо совғалар топширилди.

Шунингдек Тошкент шаҳар ўзаро ижтимоий ёрдам «Меҳрибонлик» ногиронлар жамияти ногирон болалар ўртасида «Мафтункор ранглар дунёси» расмлар кўрик-танловининг Тошкент шаҳар босқичини ўтказди ва унда 7 дан 17 ёшгача бўлган 50 нафар болалар иштирок этди. «Тошкентленд» боғи раҳбарияти билан келишган ҳолда жамият аъзоларининг болалари учун бепул дам олиш куни ташкил этилди.

Бундай тадбирларнинг мунтазам ўтказиб борилишида ҳомийлар яқиндан ёрдам беришмоқда.

Ҳасан САИДОВ,
Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси бош мутахассиси
Аброр БЕРДИЕВ,
етакчи мутахассис

СЎНГГИ ЙИЛЛАРДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ВА СЕРВИС СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ИЗЧИЛ ЧОРАЛАР КЎРИЛМОҚДА. ХИЗМАТЛАР БОЗОРИ ТАРКИБИ ХИЗМАТЛАРНИНГ ЯНГИ ИСТИҚБОЛЛИ ТУРЛАРИ — БАНК-МОЛИЯ, СУҒУРТА, АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ХИЗМАТЛАРИ ВА БОШҚАЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ҲИСОБИГА ТАКОМИЛЛАШИБ БОРМОҚДА. ОИЛАЛАРНИ МУРАККАБ МАИШИЙ ТЕХНИКА, КОМПЬЮТЕРЛАР ВА ШАХСИЙ АВТОТРАНСПОРТ БИЛАН ТАЪМИНЛАШНИНГ КЕСКИН ОШИШИ УЛАРГА КЎРСАТИЛАЁТГАН ХИЗМАТЛАРНИНГ КЕНГАЙИШИГА ИМКОН ЯРАТМОҚДА.

Қарор ва ижро

ИМТИЁЗЛАРДАН УНУМЛИ ФОЙДАЛАНИНГ

Шу билан бирга, мазкур тармоқни ривожлантиришдаги жиддий камчиликларни ҳам таъкидлаш жоиз. Хусусан, бандликни ошириш ва аҳоли даромадларини кўпайтириш ҳамда маҳаллий бюджетларни тўлдиришнинг истиқболли манбаи сифатида хизмат кўрсатиш ва сервис имкониятларидан кам фойдаланилмоқда. Хизмат кўрсатиш соҳаси суст ривожланмоқда, бу ерда катта капитал маблағ талаб қилмайдиган ва хусусий тадбиркорлик учун керак бўлган кўпгина анъанавий хизмат турлари етарли даражада ривожланмаяпти.

Ҳар бир соҳада изчил ислоҳотлар олиб борилаётган айни пайтда Президентимизнинг 2006 йил 17 апрелдаги «Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланишида муҳим қадам бўлди.

Хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳасини жадал ривожлантириш учун қулай шароит яратиш, унинг иқтисодиётдаги улушини ошириш, хизмат кўрсатиш соҳаси тармоқларида банд бўлганлар сонини кўпайтириш ва шу асосда аҳоли даромадларини ошириш ҳамда ички истеъмол бозорини замонавий, сифатли турли-туман хизмат турлари билан тўлдириш мақсадида эълон қилинган ушбу Қарорда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари белгилаб берилди.

Хусусан: хиз матлар кўрсатиш соҳасида тадбиркорларнинг фаоллигини янада кучайтириш учун қулай шарт-шароит яратиш ҳамда 2010 йилгача уларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини 49 фоизга етказиш;

2006-2010 йилларда хизматлар кўрсатиш соҳасида банд бўлган аҳоли сонини 1,6 марта кўпайтириш;

анъанавий хизмат турлари билан бир қаторда, янги истиқболли — юридик, консалтинг, банк, молия, суғурта, лизинг ва баҳолаш хизмат турларини жадал ривожлантириш;

мамлакатимиз корхоналарининг халқаро бозордаги хизматлари даражаси ва сифатини ошириш ҳамда шу асосда хизматлар экспортини кўпайтириш ва бошқалардир.

Мазкур ҳужжатнинг моҳиятига эътиборни қаратадиган бўлсак, хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланиши кўплаб тармоқларда янги иш ўринларининг очилиши-га ва шунга мувофиқ аҳоли даромадларининг ошишига, шунингдек, рақобатни кучайтириб, сифатли, сервис даражасидаги хизмат турларининг кўпайишига имкон яратишини кўрамиз.

Лекин шуни ҳам таъкидлаш ўринлики, Қарорда белгиланган солиқ имтиёзларидан хизмат кўрсатиш соҳасидаги барча субъектлар фойдаланмайдилар. Масалан, 2006 йил 1 апрелдан бошлаб маиший хизмат кўрсатиш билан машғул бўлган юридик шахслар уч йил муддатга даромад (фойда) солиғи ва ягона солиқ тўловини тўлашдан озод этилган.

Ушбу Қарор ижросини Ҳамза тумани мисолида кўрадиган бўлсак, туман давлат солиқ инспекцияси рўйхатидаги корхоналардан 31 таси ушбу Қарорга мувофиқ солиқ имтиёзларидан фойдаланиш имконига эга бўлган юридик шахслардир.

Шулардан 2 таси даромад (фойда) солиғи тўловчилари бўлиб ўтган 6 ой давомида ушбу имтиёз қўлланиши натижасида 14,9 миллион сўмни, 19 таси эса ягона солиқ тўловчилари бўлиб, ўтган 6 ой давомида уларнинг 9 таси ушбу имтиёздан фойдаланган ва тежалган 55,4 миллион сўмни ўз фаолиятларини янада ривожлантиришга йўналтирганлар.

Жумладан, аудиторлик фаолияти билан шуғулланувчи «Аудит глобал маълумот» масъулияти чекланган жамияти 2005 йилнинг 2 ва 3 чораклари учун 2,3 миллион сўм ягона солиқ тўловини амалга оширган бўлса, 2006 йилнинг шу даври ичида 5,2 миллион сўмлик солиқ имтиёзидан фойдаланган. Шу каби таълим соҳасида фаолият юритувчи «Мукаммал билим» корхонаси 2005 йилнинг 2 ва 3 чораклари учун 2,3 миллион сўм ягона солиқ тўловини амалга оширган бўлиб, 2006 йилнинг шу даври ичида эса 5,2 миллион сўмлик солиқ имтиёзидан фойдаланган.

Бу борада туман давлат солиқ инспекцияси ходимлари ҳам корхона, ташкилотларда бўлиб ушбу Қарорнинг мазмун-моҳияти, берилган имтиёзларни ҳар бир раҳбарга ёки юридик шахс, тадбиркорларга етказишда тушунтириш ишларини олиб бормоқдалар. Давлатимиз, шахсан Юртбошимиз томонидан қабул қилинаётган ҳар бир Фармон ва қарорларнинг инсон манфаатлари, юрт ободлиги, иқтисодиётимиз ривожига хизмат қилишига эътиборларини қаратмоқдалар.

Гўзал ШОЖАЛИЛОВА,
Ҳамза тумани Давлат солиқ инспектори

КЕЙИНГИ ЙИЛЛАРДА ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИДА ГЛОБАЛ ЎЗГАРИШЛАР ЮЗ БЕРМОҚДА. ТОВАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА АЙИРБОШЛАШ ҲАЖМИНИНГ ТИНИМСИЗ ЎСИБ БОРАЁТГАНИ ЭСА ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТНИ ТАРТИБГА СОЛИШНИ, ХУСУСАН, БОЖХОНА НАЗОРАТИ ВА РАСМИЙЛАШТИРУВИНИ, ВАЛЮТА НАЗОРАТИНИ ҲАМДА ТАШҚИ САВДО СТАТИСТИКАСИНИНГ ЗАРУРЛИГИНИ КЎРСАТМОҚДА.

Анжуманлар

АСОСИЙ МАҚСАД— МУКАММАЛЛИК

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикасининг Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятига қўшилганлиги, шунингдек, «Божхона иттифоқи ва Ягона иқтисодий ҳудуд тўғрисида»ги шартноманинг тасдиқланганлиги ҳам давлатимизнинг ташқи савдо ва божхонага доир қонун ҳужжатларини иқтисодий ҳамжамиятнинг келишув ва битимлари асосида уйғунлаштиришини тақозо этади.

Президентимиз Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 10 февралда бўлиб ўтган мажлисидаги маърузасида амалдаги Божхона кодексининг янги таҳририни ишлаб чиқиш зарурияти бугунги кун тартибида турганлиги, мазкур кодекс барча божхона тамойиллари бажарилишининг очиқлигини таъминлаш, ички бозорни сифатсиз контрабанда маҳсулотлари кириб келишидан ҳимоялашга қаратилиши, бевосита таъсир кучига эга бўлган норматив ҳужжат бўлиши кераклигини таъкидлаган эди.

Ана шу вазифалардан келиб чиқиб, Божхона кодексининг янги таҳрирдаги лойиҳаси ишлаб чиқилди ва уни муҳокама қилишга бағишланган қатор давра суҳбатлари ўтказилмоқда. Уларда тегишли вазирлик ва идоралар вакиллари, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг депутатлари, БМТ Тараққиёт дастури ҳамда Евробожхона экспертлари, халқаро юк ташувчилар, ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари, йирик корхоналар раҳбарлари иштирок этиб, лойиҳа юзасидан ўз таклиф ва мулоҳазаларини билдирмоқдалар.

Давлат Божхона қўмитасининг «Тошкент-аэро» мажмуаси ташкил этган семинарда «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиа компанияси, «Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси давлат акциядорлик компанияси ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари, олимлар, мутахассислар иштирок этдилар. Унда янги таҳрирдаги Божхона кодексини ишлаб чиқиш зарурияти, уни халқаро ҳуқуқ меъёрларига мослаштириш борасида олиб борилган ишлар хусусида тўхталиб ўтилди.

Семинар давомида олим ва мутахассислар, тадбиркорлар Божхона кодекси янги лойиҳасининг қабул қилиниши мамлакатимизнинг жаҳон хўжалигига интеграциялашувига, шунингдек, ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштиришда муҳим аҳамият касб этишини таъкидладилар.

Ботирали ЖУМАЕВ,
Тошкент Давлат иқтисодиёт университети талабаси

Қонун —барчага баробар

ҚИЛМИШ - ҚИДИРМИШ

МУҚАДДАМ СУДЛАНГАН Б.МУСАЕВ ЎЗГАНИНГ МОЛ-МУЛКИНИ БОСҚИНЧИЛИК ЙЎЛИ БИЛАН ТАЛОН-ТАРОЖ ҚИЛИШ МАҚСАДИДА ШЕРИКЛАРИ М.НОСИРОВ ВА Ш.АХРОРОВЛАР БИЛАН ЎЗАРО ЖИНОИЙ ТИЛ БИРИКТИРИБ, ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИДА ИСТИҚОМАТ ҚИЛУВЧИ ТАДБИРКОР Э.ЗОҲИТХЎЖАЕВНИНГ УЙИ ОЛДИДА УНИНГ ЁНИГА КЕЛИБ, ТЎППОНЧАГА ЎХШАШ БУЮМ БИЛАН ҚЎРҚИТИБ, ВАЗ-2107 РУСУМЛИ АВТОУЛОВГА МАЖБУРИЙ РАВИШДА ЎТКАЗИБ, УЧТЕПА ТУМАНИДА ЖОЙЛАШГАН УЙГА ОЛИБ КЕЛИШГАН.

Ушбу уйда жиноий гуруҳ олдиндан тайёрланган буюм билан Зоҳитхўжаевнинг қўл ва оёқларини боғлаб, ёнидаги 3500 АҚШ доллари билан 50.000 сўм пулини олиб қўйиб, унинг кўкрак қисмига бир неча бор уришган. Жиноий ҳаракатларини давом эттириш мақсадида зўравонлар жабрланувчини шу хонадоннинг ҳужрахонасига олиб кириб, зўрлик ишлатиб,ғайриқонуний равишда бир кун муддатга озодликдан маҳрум қилишган. Кейин эса дўқ-пўписа қилиб, товламачилик йўли билан талон-тарож қилиш мақсадида жабрланувчидан 50.000 АҚШ доллари беришини талаб қилиб қўйиб юборишган. Эртаси куни жабрланувчи Тошкент шаҳар ИИББга ариза билан мурожаат қилган. Ушбу жиноятчиликка қарши курашиш бошқармаси тезкор ходимлари томонидан зудлик билан тузилган махсус тезкор режа асосида, ўта хавфли жиноятчиларни қўлга олиш тадбири ишга солинди. Ва жиноятчилар талаб қилган пуллардан бир қисми, яъни 10.000 АҚШ долларини жабрланувчи Зоҳитхўжаев тайинланган жойга олиб келиб, жиноятчиларнинг қўлига тутқазаётган вақтида улар жиноят қидирув тезкор ходимлари томонидан далилий ашё билан қўлга олиндилар.

Қўлга олиш жараёнида, жиноятчилар ички ишлар ходимларига қаршилик кўрсатишга уриндилар. Бироқ тезкор ходимларнинг ҳушёрлиги боис зўравонларнинг қўлларига кишанлар тақилиб, Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси ҳибсхонасига олиб келинди. Жабрланувчи Э.Зоҳитхўжаев эса олган тан жароҳатлари сабаб, тезда тиббий муассасага ётқизилди. Мазкур ҳолат бўйича Тошкент шаҳар ИИББ Тергов бошқармаси томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг бир нечта моддалари бўйича жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари бошлаб юборилди. Ҳибсга олинган шахслар, уларнинг хонадонлари тинтув қилинганида, ясама ўқотар қуроллар ҳам топилиб, далилий ашё сифатида олинди. Хуллас инсон ҳаётига тажовуз қилиш, товламачилик, босқинчилик, талон-тарожлик, ўғрилик каби жиноятларни уюшган гуруҳ бўлиб содир қилганликлари учун Б.Мусаев, М.Носиров ҳамда Ш.Аҳроровлар қонун асосида жиноий жавобгарликка тортилдилар.

●Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси тезкор ходимлари томонидан нафақат наркотик моддаларнинг ноқонуний айланиши, балки психотроп моддалари билан қонунга хилоф равишда шуғулланувчи шахсларни аниқлаш юзасидан ҳам бир қатор тезкор тадбирлар ўтказилмоқда. Ана шундай тадбирлардан бирида олинган тезкор маълумот асосида, жиноят-қидирув бошқармасининг наркотик ва наркотрафик моддаларининг ноқонуний айланишига қарши курашиш бўлими ходимлари томонидан Чилонзор туманида ўтказилган тезкор тадбирда Учтепа туманида истиқомат қилувчи 1940 йилда туғилган М.Иймонова гумонланиб текширилди.

Текшириш вақтида аёлнинг қўлидаги сумкасида психотроп моддалар турига кирувчи 15 дона конвалютада қадоқланган жами 150 та феназепам таблеткалари, 3 дона қадоқланган 6 та деазепам таблеткатлари, 7 дона 70 та фенобарбитал таблеткалари, 6 дона 60 та сибазон таблеткалари ва 3 дона ампулада сибазон дорилари борлиги аниқланди. М.Иймонованинг шахсини аниқлаш жараёнида, у олдин ҳам Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 273-моддаси билан судланганлиги маълум бўлди. Ҳозирги кунда ушбу аёлга нисбатан жиноятнинг келиб чиқиши манбаларини аниқлаш бўйича тезкор-суриштирув ишлари олиб борилмоқда.

●Тошкент шаҳрида истиқомат қилувчи, ҳеч қаерда ишламайдиган муқаддам судланиб қамоқ жазосини ўтаб чиққан 40 ёшли Ф.Ҳурматов эрталаб соат 07.30 да Шайхонтоҳур туманидаги автобус тўхташ бекатида 14 ёшли лицей ўқувчиси Ш.Мардоновнинг шимининг орқа чўнтагидан 10.750 сўм пулини ўғирлаб кетаётган вақтида пулнинг эгаси сезиб қолиб, атрофдагиларни ёрдамга чақириши натижасида ўз вақтида далилий ашё билан қўлга олиниб, шу атрофдаги таянч пунктига олиб борилиб, топширилди.

Юлдуз АШИРОВА,
Тошкент шаҳар ИИББ Матбуот маркази катта инспектори, майор.

Маданиятимиз тарихини ўрганамиз

ШАРҚНИНГ СЕРҚИРРА ИЖОДКОРЛАРИ

ЎРТА ОСИЁ, ЖУМЛАДАН, ЎЗБЕКИСТОН ҲУДУДИДА ТУРК ҲОҚОНЛИГИ ДАВРИДА УШБУ ЎЛКАЛАРДА ЯШАГАН ХАЛҚЛАР ИЖТИМОИЙ-МАДАНИЙ ҲАЁТИДА ЖИДДИЙ ЎЗГАРИШЛАР РЎЙ БЕРА БОШЛАДИ. БУНДАЙ ҲОЛ МАЗКУР ХАЛҚЛАР ҚЎШИҚЧИЛИК САНЪАТИДА ҲАМ АКС ЭТДИ. АРХЕОЛОГИК ВА ТАРИХИЙ МАНБАЛАР БУНДАЙ ХАЛҚЛАР МАДАНИЙ ҲАЁТИДА АНЪАНАВИЙ ҚЎШИҚЧИЛИК САНЪАТИ ТУРЛАРИ САҚЛАНИБ ҚОЛГАНЛИГИ ҲАМДА ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШГАНЛИГИДАН ДАЛОЛАТ БЕРАДИ. БУНГА IV-VIII АСРЛАР ДАВОМИДА МУСИҚАЧИЛАР ТАСВИРИ ТУШИРИЛГАН БУЮМ ВА ИДИШЛАР ҲАМ ДАЛИЛ БЎЛА ОЛАДИ.

VI-VIII асрларда масалан, Панжикент йирик иқтисодий ва маданий марказ сифатида машҳур бўлиб, А.Беленицкий бу ердаги махсус байрам тадбирлари ва дафн маросимларида созандалар, қўшиқчилар ва раққослар ўз ўрнида доимий равишда фаолият кўрсатганликларини таъкидлайди.

Булардан ташқари, қазилмаларда қўшиқ айтаётган, рақсга тушаётган ва мусиқа чолғулари чалаётганлар тасвири туширилган махсус уй-рўзғор буюмлари, тақинчоқлар ҳам топилган.

V-VII асрларда топилган қўшиқчи ва мусиқачилар тасвирланган ҳайкалча ва нақшлар бундан илгариги даврга мансуб шундай ашёлардан анча фарқ қилади. Аммо улар қўлида тасвирланган уд, қўшноғора ва ўзга созлар ҳозиргача ўз шаклини деярли ўзгартирмай сақланиб қолганини кўриш мумкин.

Панжикент топилмаларидан яна бирида қаттиқ гардишли, эгик чанг чалаётган мусиқачи аёл тасвирланган. Айни шу ерда яна най, уд каби мусиқий созлар чалаётган ва қўшиқ қуйлаётганлар тасвири ҳам мавжуд бўлиб, булар мажмуи кичик бир ансамбль мавжудлигидан дарак беради. Шунингдек, бу ерда рақсга тушаётган тўрт нафар раққосаларнинг ҳам тасвири кўриниб турибди.

Болаликтепа қалъасидан топилган V-VI асрларга оид тасвирда махсус ташкил этилган зиёфатда бир неча мусиқачилар чанг, най чалаётгани, хонанда эса қўшиқ айтаётганини кўриш мумкин. Самарқанд аҳли ҳар бир байрамни қўшиқ ва рақссиз ўтказмаган ва бу санъат тури ўша аҳоли ижтимоий-маданий ҳаётида алоҳида роль ўйнаган.

Ўрганилаётган даврда Ўрта Осиё қўшиқчилик санъатининг юксак даражада ривож топганлигини бошқа давлатлар халқлари эътироф этганлиги билан ҳам изоҳлаш мумкин эди. Ўлкамизда ижод қилган кўплаб қўшиқчи, созанда, раққоса санъаткорлар ўзга давлатлар хукмдорлари саройларидаги расмий тантаналарда ўз маҳоратларини намойиш этганлар.

Бу борада ўлкамиз санъаткорлари Хитойда катта нуфузга эга бўлганликларини кўрсатиб ўтиш мумкин. Хитой императори саройида Бухоро, Самарқанд, Шош ва бошқа шаҳарлардан келган мусиқачи, ашулачи ва раққосалар ўз санъатларини намойиш қилганлар. Ҳаттоки уларга хитойча исмлар қўйилиб, ижро этган мусиқа ва қўшиқлари ўша халқ тилида номланган. Инглиз олими Э.Шефернинг ёзишича, Хитойда Ўрта осиёлик ва Шарқий туркистонлик мусиқачилар доимо иззатда бўлган. Бухоролик томошачилар, самарқандлик найчилар, тошкентлик раққоса ва бошқалар Узоқ Шарқда доимо паноҳ топишга ишонар эдилар.

Шарқнинг серқирра ижодкори, Туронзаминнинг Марв вилоятида таваллуд топган иляқ аллома бастакор Борбад Марвазийнинг ёшлик чоғлари ўтган давр муҳим сиёсий воқеалар рўй бераётган замон эди.

Бу санъаткорнинг ўзи туғилиб ўсган ҳудуддаги ижоди ҳамда Эрон сосонийлари шоҳи Хусрав Парвез II ҳузурига боргунга қадар кечган ҳаётий фолияти ҳақида жуда кам маълумотлар сақланган. Шунинг учун бизгача етиб келган шу маълумотнигина баён эта оламиз.

Шуниси аниқки, Борбад ўз ижоди ва бошқа санъаткорона фазилатлари билан Ўрта Осиё ва Эрон халқлари ўртасидагина эмас, балки бутун Шарқ халқлари орасида маълум ва машҳур бўлган. Бунинг сабаблари кўп бўлиб, бизнингча, унинг энг муҳими Борбаднинг ижоди ўрганилаётган даврда бошқа ҳудудлардаги халқлар орасида кенг тарқалган форс-тожик тилидагина эмас, балки бутун Шарқ халқлари тилларида ҳам куй ва қўшиқлар яратиб, мукаммал ижро этганлигидадир. Бунга алоҳида эътибор беришимиз шунинг учун ҳам жоизки, қадимда ва ўрта асрларда Турон ва Хуросон халқлари ўзаро мустаҳкам иқтисодий ва маданий муносабатларда яшаган. V-VII асрларгача Хуросон халқларининг аксарияти парфикликлар тилида сўзлашган. Борбад яшаган даврга келиб эса, форсий-дарий тиллари секин-аста ўз устунлигига эга бўла бошлаган. Бу вақтгача агар Хуросонда парфий, Тохаристонда (ҳозирги Сурхондарё вилояти) бақтрий, Бухоро ва Суғдда суғдий тиллари қўлланилган бўлса, биз ўрганаётган даврга келиб, форс тили уларни аста-секин сиқиб чиқара бошлаган ва Турон, Хуросон ҳамда Шимолий Афғонистонда устувор тавсифга эга бўлган адабий тилга айлана борган.

Атоқли мусиқашунос Виноградов ўзининг «Классические традиции иранской музыки» номли китобида Борбад Марвазий ҳақида «Борбаднинг номи ва шуҳрати айниқса сосонийлар даврида Шарқда ва унинг ватани бўлмиш Туронда кенг ёйилди. Унинг она шаҳри бўлмиш Марв эса ўзининг маданияти ҳамда мусиқавий анъаналари билан машҳур эди», деб ёзади.

Абу Мансур ас-Саолибий (961-1038 йиллар) эса ўзининг «Ятимат ат-даҳр» асарида таъкидлашича, Борбад Турон ўлкасининг Марв вилоятидан бўлиб, кейинчалик араблар унга, Фахлабод ёки Фахлабоз деб ном берганлар.

Борбад тахминан 588 йили Марв вилоятида таваллуд топади. Манбаларда кўрсатилишича, Борбад маълумотли, саводли оилада дунёга келган. Унинг отаси қўшиқчи, шоир ҳамда Шарқ халқлари қўшиқчилик маданиятидан хабардор бўлиб, анча таниқли эди. Шунинг учун бўлса керак, Борбад ўзининг мусиқа соҳасидаги дастлабки сабоқларини отасидан олган. Марв шаҳрига келганида қобилиятли ва етук санъаткорлар орасида бўлишга харакат қилади ва ўз ижодий маҳоратини тобора ошириб боради. Унинг учун бу давр сабоқ олиш, ўрганганларини такомиллаштириб бориш даври бўлди. Шунинг учун ҳам унинг бу ерда эгаллаган билимлари келажакда уни Шарқ халқлари қалбини забт этадиган санъат асарларини яратишида, буюк санъаткор бўлиб етишишида улкан замин хизматини ўтади. Борбад табиат иньом этган бетакрор ёқимли овоз эгаси, созанда, бастакор, рақкос ва шоир эди. У Марвда 29 ёшгача, яъни Эрон шоҳи Хусрав Парвез II ҳузурига боргунига қадар ўзининг юқорида қайд этилган серқирра санъати билан машҳур бўлиб танила борди, шунингдек, Бақтрия, Суғд ва Марғиёна халқлари маданиятидан бахраманд бўлди.

Ўрганилаётган даврда Ўрта Осиёда рўй бераётган ўзаро курашлар, сиёсий воқеалар, шунингдек, турк ҳоқонлигининг Эрон қўшинларидан кетма-кет зарбага учраши натижасида жиддий заифлашиб бориши халқ ҳаётининг барча жабҳаларига, жумладан, маданий турмушига салбий таъсир кўрсатарди. Айни пайтда, шу даврларда Эрон сосонийлари шоҳи бўлмиш Хусрав Парвез II саройида ҳунар эгаларига, жумладан, санъаткорларга қулай имкониятлар яратилган эдики, натижада бу ерга кўпгина хорижий мамлакатлардан бадиий ижод аҳллари келиб, шоҳ саройидаги хизматга ўтган эдилар. Турондаги сиёсий бошбошдоклик ва нотинчликлар ҳамда ижодкорлар учун сосонийлар шоҳи ҳузурида яратилган қулайликлар, қолаверса, ўз қобилиятини янада ошириш, атоқли санъаткорлар билан ижодий мулоқот қилиш иштиёқи Борбад Марвазийни ҳам Хусрав Парвез II ҳузурига боришга ундарди.

Ҳожиакбар ҲАМИДОВ,
тарих фанлари доктори, профессор

Ўз=ўз ўрганиб доно бўлур...

МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

АДАБ ҲАҚИДА

Адаб — яхшилик билан ёмонликнинг фарқини билиш, фойда билан зарар орасидаги тавофутни англашдир. Адаб воситасида киши ўз жонини ёмон хислатлардан даволайди, ёқимсиз айблардан поклайди, чиройли фазилатлар билан безайди.

Адаб кишини энг чиройли хулқ билан қуроллантиради. Натижада барча ақл эгалари бундай кишидан ҳар ишда рози бўладилар. Адаб эгаси эса кундан кунга обрў топади, аҳволи яхшиланади, ишлари равнақ топади.

Баъзи ҳакимлар адабни энг маъсум ва кўркам феълга эга бўлиш десалар, баъзилари нафсни барча қабиҳ одатлардан тозалаш дейдилар. Демак, кимда адаб бўлса, бу ноёб неъмат. Адаб — ақлнинг суянчиғи, барча фазилатларнинг жони.

ҲИКМАТЛАР

- Одамлар икки нарса билан тақдирланадилар: яхшилик қилган — яхшилик билан, ёмонлик қилган — ёмонлик билан.
- Гапирмай пушаймон бўлиш гапириб пушаймон бўлишдан афзал.
- Насиҳат ҳақиқий даво, ундан ичган одам ёқимсиз хулқлардан озод бўлади.
- Нарсаларнинг энг яхшиси одамга қилинган ҳадядир.
- Шарм ва ҳаё фазилатларнинг улуғи.

АҚЛ АҚЛДАН ҚУВВАТ ОЛАДИ

Билгинки, ҳикмат фазилатларнинг онасидир. Ҳикмат — барча илмларнинг булоғи, у ўлик қалбни тирилтиради, кишини боқий саодат сари етаклайди, ҳаёт лаззатларидан бахраманд қилади.

Бир доно айтади: «Агар бир одам ҳикматдан бир калима ўрганса, бу унинг учун дунёдаги ҳамма нарсадан яхшидир». Яна айтади: «Агар бир киши бошда бир кишига бир оғиз ҳикмат ўргатса, бу ҳикмат билан уни тўғри йўлга солиб юборса, бундан кўра яхшироқ ҳадя йўқ!».

Ҳаким Афлотун айтган эди: «Баданнинг жароҳати даво билан, жоннинг жароҳати эса ҳикмат билан тузалади».

Фарзанд — оила қувончи, ҳаётнинг лаззати фарзанд билан, фарзанд борки, одамнинг дили ёруғ, юзидаги чароғон.

Бир калтабин киши: «Тўй қилсам, фалон машшоқларни олиб келиб, бир ном чиқарайки, тўйдан кейин гадой бўлсам ҳам майли», дерди. Унинг айтганича бўлди. Тўйга келганлар унинг аҳдидан хабардор бўлганлари учун ҳамма нарсасини шилиб кетишди. Бечора тўй соҳиби эрталаб қўшнисидан битта чойнак ва иккита пиёла сўраб олиб чой ичди.

Ҳақиқий асар кишидан ғамни қувади, одамни тўғри йўлга етаклайди, йиллар ўтса ҳам қадру-қимматини йўқотмайди.

АҚЛ ФАЗИЛАТЛАРИ ҲАҚИДА

Ақл инсон учун энг олий неъматлардан биридир. Ақл билан нарсаларнинг сир-асрорлари ўрганилади, илм ва маърифат эгалланади, касб ҳосил қилинади.

Бир ҳаким айтади: «Ақл — юрак ичидаги нур, бу нур билан ҳақ ёки ноҳақ билиб олинади!» Бошқа ҳаким айтади: «Ақл ўз соҳибини дунё маломатларидан қутқаради». Яна бир ҳаким айтади: «Ақл — жоннинг ҳаёти, жон эса жасаднинг ҳаёти!» Бир ҳаким айтади: «Кишининг нафси ақлидан устун бўлса ундай одамнинг ҳайвондан фарқи йўқ!»

ҲИКМАТЛАР

- Ростгўйнинг ҳамиша юзи ёруғ, дили шод бўлади.
- Энг яхши нарсалардан бири — олис йўлга чиққанда муносиб дўст билан қурилган суҳбатдир. Ёқимли дўст суҳбати олис йўлни яқин қилади.
- Чўққига чиқиб, харсангтош қулатиш бировнинг миннатини кўтаришдан енгилроқ.

ПОКИЗА ХУЛҚ

Билгинки, инсон хилқати билан икки йўлга юришга қодир. Аввало у ўз феълини яхшилаши, хулқини поклаши, қалбини мусаффо қила олиши ёки ёмон феълларга ўрганиб, разолат ботқоғига ботиши мумкин. Инсон ёшлигидан шу икки йўлнинг қай бирига мойил бўлса, бора-бора бу феъллар унинг табиатига мустаҳкам ўрнашиб бораверади.

Инсон ўз-ўзидан покланиш учун доимо улуғликка етказувчи, саховатни барпо қилувчи, азизлик келтирувчи хислатларни эгаллашга интилиши ва буларни камайтирувчи феъллардан узоқлашиш йўлини қидириши лозим. Бундай хислатларга эга бўлишда эса, аввало ота-онанинг тарбияси ва таъсири кучли бўлиши зарур.

Ҳикоят. Икки даъвогарни қозининг ҳузурига олиб келишди. Ҳар иккови ҳам бир нарса устида бир-бирига даъво қилишар эди.

Қози биринчи даъвогарга қараб:

— Гувоҳинг ким? — деди.

— Худо, — деб жавоб берди даъвогар.

Мавлоно Қутбиддин Шерозий ҳам шу ерда ҳозир эди. У даъвогарга қараб:

— Гувоҳликка шундай кишини кўрсатгинки, қози уни танийдиган бўлсин! — деди.

Ҳикоят. Мавлоно Қутбиддин бадбашара ва бадфеъл бир одамдан:

— Исминг нима? — деб сўради.

— Одам! — деб жавоб берди у.

— Сенга одам деб исм қўйган кишига раҳматлар бўлсинки, агар бошқа исм қўйганда одамлигингни одамлар қаердан билишарди! — деди Мавлоно Қутбиддин.

ҲИКМАТЛАР

- Кишидаги яхши фазилатларни йўқотиб, ёмон хислатларни юзага чиқарадиган нарса — манманлик ва бахилликдир.
- Икки хил инсон ҳеч қачон тўймайди. Бири — илм толиби илмга, иккинчиси — бойлик толиби бойликка.

Масал. Бир ургочи ит она шерни айблашга киришади:

— Мен бир йўла саккиз бола туғаман, сен эса шунча гавданг билан битта туғасан.

— Рост айтасан, — деди шер унга, — мен битта туғаман, аммо шер туғаман. Сен кўп туғсанг ҳам, барибир ит туғасан!

Маҳмуд ҲАСАНИЙ тайёрлаган.

Зангиота туманида жойлашган «ИЗЗА-НОН» хусусий ишлаб чиқариш корхонасига Зангиота тумани ер муносабатлари ва кўчмас мулк кадастри бўлими томонидан 2002 йил 14 январда берилган № 2-сонли маълумотнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

БРИТАНИЯДА ЧИҚАДИГАН "THE BANKER" ЖУРНАЛИ АНЪАНАВИЙ ТАРЗДА ДУНЁДАГИ 130 ТА МАМЛАКАТДА ТАДҚИҚОТ ЎТКАЗИБ, ЎЗБЕКИСТОНДАГИ "КРЕДИТ-СТАНДАРТ" БАНКИНИ "ЙИЛНИНГ ЭНГ ЯХШИ БАНКИ" ҚАТОРИГА КИРИТДИ. ЯҚИНДА "КРЕДИТ-СТАНДАРТ"-ГА МАЗКУР ЖУРНАЛГА АСОС СОЛИНГАНИГА ЯРИМ АСР ТЎЛИШИГА БАҒИШЛАНГАН МАРОСИМДА БРОНЗА НИШОНИ ҲАМДА СЕРТИФИКАТ ТОПШИРИЛАДИ.

ЙИЛНИНГ ЭНГ ЯХШИ БАНКИ

Энг яхши банклар бир йил мобайнидаги молиявий кўрсаткичлари, бозорда эгаллаган мавқеи ҳақидаги маълумотлар тўлдирилган анкеталар орқали аниқланади.

Бу Ўзбекистон банклари ютуғининг жаҳон миқёсидаги биринчи ёки ягона эътирофи эмас. Мамлакатимиздаги энг йирик молиявий муассасалардан бири "Асакабанк" 2005 йилда мана шундай фахрли унвонга эга бўлган эди.

"Ахбор-рейтинг" банклараро рейтинг компаниясининг маълумотига кўра "Кредит-стандарт" 2004 йил бошидан буён Ўзбекистон банклари ичида етакчи мавқени эгаллаб келмоқда.

"Кредит-стандарт" 2003 йил 16 августда ташкил топган бўлиб, ҳозирги кунда Россия ҳамда Германиянинг молиявий муассасалари, республикамиздаги ўнга яқин банк билан ҳамкорлик қилиб келмоқда.

БИЗНЕСДА ИННОВАЦИЯ ҚАРОРЛАРИ

ПОЙТАХТДАГИ ИҚТИСОДИЙ ТАДҚИҚОТЛАР МАРКАЗИДА МАЗКУР ҲАФТА МОБАЙНИДА "БИЗНЕСДА ИННОВАЦИЯ ҚАРОРЛАРИ" ДЕБ НОМЛАНГАН ТАНЛОВ ЎТКАЗИЛАДИ.

Бу танловни Вазирлар Маҳкамаси қошидаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси ҳамда "Экономическое обозрение" журнали ўтказмоқда. Шунингдек, Ҳиндистоннинг Ўзбекистондаги элчихонаси, Туркиянинг "ТИКА" халқаро ҳамкорлик агентлиги танловни ўтказишда қатнашяпти.

Танловни ўтказишдан мақсад республикамизда тадбиркорликни ривожлантиришнинг инновация йўлларини оммалаштириш, иқтисодиётнинг турли хил йўналишларидаги қатор масалаларни ҳал этиш йўлларини излаб топиш мўлжаллангандир.

Танлов номинациялари бўйича ғолибликни қўлга киритган кичик бизнес вакиллари, фермер хўжаликлари ҳомийларнинг совға-саломлари билан тақдирланади.

Болалигим — подшолигим. **Х. Солиҳов олган сурат.**

БОЛАЛАР ТАРБИЯСИ ЙЎЛИДА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ, РЕСПУБЛИКА ЎРТА МАХСУС КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ МАРКАЗИ ВА МАРКАЗНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲАР БОШҚАРМАСИ ТОМОНИДАН ЎРТА МАХСУС КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИНГ ЎҚУВЧИ ЁШЛАРИ ЎРТАСИДА ҲУҚУҚБУЗАРЛИК ВА ЖИНОЯТЧИЛИКНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ МАСАЛАЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН АНЖУМАН ЎТКАЗИЛДИ.

Таълим муассасаларида ўқувчи ёшлар томонидан содир этилиши мумкин бўлган турли хил ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ҳар бир жамоанинг асосий вазифасидир. Бу айниқса касб-ҳунар коллежлари, академик лицейларнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосарлари зиммасига катта масъулият юклайди.

Анжуманда бугунги кунда ҳуқуқбузарлик ва жиноятчилик ҳолатлари ўсмирлар орасида ҳам кузатилаётганлиги қайд этилди. Тадбирда ўқитувчилар ҳар бир ўқувчининг оиласидаги муҳитдан хабардор бўлиб бориши, ўқувчиларда ўз-ўзини назорат қилиш, ирода, масъулият, жавобгарлик ҳиссини, мураккаб вазиятларда мустақил қарор қабул қилиш хислатларини уйғотиш масалалари муҳокама қилинди. Тарбияси оғир ҳуқуқбузарликка мойил ўқувчиларни рўйхатга олиб, ота-оналар, маҳалла нозирлари билан ҳамкорликда уларга нисбатан тарбиявий профилактика чора-тадбирларини кучайтириш лозимлиги алоҳида таъкидланди. Ушбу масалалар бўйича иштирокчиларга тегишли тавсиялар берилди.

Рустам ҲАЙДАРОВ,
«Туркистон-пресс»

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР!

«Ўзбекистон банклари Ассоциациясининг Универсал биржа маркази» МЧЖ, 2007 йил 20 февраль куни соат 11:00да «Ўзбекистон банклари Ассоциацияси» биносида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига қуйидаги мулкларни қўймоқда.

Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти Чилонзор тумани суд ижрочилари бўлинмаси томонидан 14.03.2006 йилдаги 8236-39/8-сонли ижро ҳужжатига асосан тақдим этилган Тошкент шаҳар Чилонзор тумани Зуҳурполвон кўчаси 11-уй манзилдаги турар уй-жой. **Бошланғич баҳоси-23 364 571 сўм.**

Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти, Чилонзор тумани суд ижрочилари бўлинмаси томонидан 17275/14-сонли ижро ҳужжатига асосан тақдим этилган давлат рақами 30К88-01 бўлган ВАЗ-21061 русумли автотранспорт воситаси (1982й., двигатель №5955942, кузов №ХТА210610С0683845). **Бошланғич баҳоси-598 806 сўм.**

«Ўзбекистон банклари Ассоциациясининг Универсал биржа маркази» МЧЖ, 2007 йил 5 февраль куни соат 11:00да «Ўзбекистон банклари Ассоциацияси» биносида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси ва Юнусобод тумани суд ижрочилари бўлинмаси томонидан қуйидаги мулкларни қўймоқда.

2006 йил 11 майдаги 8175-сонли ижро ҳужжатига асосан: «Себзор» автомобиллар сақлаш майдончасида сақланаётган, давлат рақами 10V2288 бўлган, «МЕРСЕДЕС-БЕНЦ S320» русумли автотранспорт воситаси (2001й. техник соз, двигатель №408604, кузов №WDB2200651A025886, қора рангли). **Бошланғич баҳоси-81 540 000 сўм.**

2006 йил 14 августдаги 10-0618/2018-сонли ижро ҳужжатларига асосан: Тошкент шаҳар Миробод тумани, Мовараунаҳр кўчаси 53-уйда жойлашган «УЧҚУН» МЧЖга тегишли 4 қаватли, умумий майдони 14789,0 кв.м. бўлган ишлаб чиқариш биноси. **Бошланғич баҳоси-2 672 075 000 сўм.**

Қизиқиш билдирган харидорлар ушбу мулкларни суд ижрочилари бўлинмаси вакили иштирокида бевосита жойга чиқиб кўриши мумкин. Савдода қатнашиш учун харидорлар тўлов ҳужжатида ижро ҳужжат рақами ва санасини кўрсатилган ҳолда объект бошланғич баҳосининг 10 фоиз миқдорида закалат пулини «Ўзбекистон банклари Ассоциациясининг Универсал биржа маркази» МЧЖнинг «Асака» банк Автотранспорт филиалининг «Альянс» минибанкдаги, МФО 00417, СТИР 204325773, 20208000804234776001-ҳисоб рақамига тўлашлари ва савдодаги мулкларни сотиб олиш учун ариза топширишлари шарт. Савдода иштирок этиш учун топшириладиган аризаларни ва закалат пулларини қабул қилиш савдодан бир кун олдин тўхтатилади.

ШУНИНГДЕК

10.05.2006 йилдаги 10-0604/517-сонли ижро ҳужжатига асосан тақдим этилган ва 2007 йил 13 февралда очиқ аукцион савдолари бўлиб ўтилиши белгиланган Тошкент шаҳар С.Раҳимов тумани Сағбон 30 тор кўчаси 8-уй манзилдаги «Tomozem» МЧЖга тегишли икки қаватли бино Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармасининг хатига асосан савдолардан олинди.

Савдода қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари масалалари юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, А.Хўжаев кўч. 1-уй. тел. 138-69-94, 138-69-93.

Ҳурматли хонимлар ва жаноблар, ишбилармону тадбиркорлар диққатига!

«РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ»

Ёпиқ Акциядорлик Жамияти

Сиз азизларга маъқул келадиган шартларда Марказий идора биносида европа усулида таъмирланган бўш хоналарни ижарага беради.

Бунда фаолиятингиз турига қараб, ишларни юритишингиз учун барча шароитлар мавжуд

Манзилимиз: Тошкент шаҳар, С.Раҳимов тумани, Қора-қамиш 2/4 мавзеси, М.Ўразбоев кўчаси, 1 "А" уй.

Мўлжал : 82, 85, 131- автобусларнинг мебеллар дўкони бекати.

Телефонлар: 399-80-25, 399-80-31.

Факс: 399-80-26.

Эслатма: Аҳолига тиббий, ҳуқуқий, ижтимоий ва бошқа хизмат турларини кўрсатувчи ташкилотларга ижара нархлари имтиёзли тарзда белгиланади.

«ORIPJON HOJI» хусусий фирмаси «ORIPJON HOJI» хусусий корхонасига айлантирилди. Даъволар 397-12-53 телефони орқали қабул қилинади.

Сўранг, жавоб берамиз

ХОЛЕСТЕРИННИ ҚАНДАЙ ҲАЙДАШ МУМКИН?

Сўнгги вақтларда, таркибида холестерин моддаси кўп миқдорда бўладиган озиқ-овқатлар истеъмолини чеклаш зарурати ҳақида кўп гапириб келиняпти. Айтингчи, унинг миқдорини камайтиришга, организмдан чиқариб юборишга ёрдам берадиган дори воситалари, ҳатто қандайдир озиқ-овқатлар борми?

Тешавой Жўраев,
Шайхонтоҳур тумани.

Профилактик тиббиёт мутахассисларининг гувоҳлик беришларича, холестериннинг ичакларга сўрилишига тўсқинлик қилиб, уни организмдан чиқариб юборишга кўмаклашувчи озиқ-овқатлар мавжуддир. Уларга дуккаклилар (нўхот, лобия, ясмиқ) донлари, ўсимлик мойлари, соя, сабзавотлар ва мевалар киради. Уларнинг ҳаммаси сувда эрийдиган ўсимлик тўқималари (пектин ва елимшак) моддаларга эга.

Тўқ-яшил, сариқ ва зарғалдоқранг сабзавот ва мевалар таркибида энг кўп витамин ва маъданли моддалар бўлади. Мева ва сабзавотларни қайнатиш чоғида ёпишқоқ желе пайдо бўлиши улар таркибида пектин моддаси кўплигини билдирувчи аломат ҳисобланади. Жумладан, қора смородина, олхўри,ўрик, сабзи ва олмаларда пектин кўп миқдорда мавжуд.

Олмадан ҳатто дорихоналарда шифобахш қўшимча озиқа сифатида сотиладиган пектин кукуни олинади. Танадаги холестерин моддаси даражасини пасайтириш мақсадида парҳезни истисно этмаган ҳолда ундан кунига 5-15 грамм истеъмол қилиш ғоятда фойдали. Дон экинлари таркибида бўладиган елимшак модда ҳам холестеринни танадан ҳайдайди: кепакли ундан тайёрланган нон, сули ва гречка крупалари, тозаланмаган шоли шулар жумласидандир.

ЧАНГЮТГИЧЛАР НЕГА ТЕЗ БУЗИЛАДИ?

Мен сотиб олган чангютгичларнинг ҳаммаси кўп ўтмай чанг тиқилиб, ишдан чиқади. Шунчалик тез яроқсиз бўлиб қолмайдиган чангютгич моделлари ҳам борми ўзи?..

Гулчехра Эшонова,
Юнусобод тумани.

"Ситроникс – маиший электроника" ишлаб чиқариш бирлашмаси президенти эксперти В.Левченко жавоб беради:

- "Циклон" моделини сотиб олинг, унда чанг тўплайдиган халтаси бўлмайди. Бундай чангютгичларда осонгина олиниб, ҳудди шундай осонгина тозаланадиган фильтри мавжуд. Унинг яна бир афзаллиги – сотувда топилиши қийин бўлган ва алмаштириб туриладиган фильтрларни излашга ҳожат қолмайди.

"Циклон" чангютгичи бироз қиммат туради-ю, камдан-кам ишдан чиқади. Бизнинг ишлаб чиқариш бирлашмамиз ҳам яқин орада шундай чангютгичларни ишлаб чиқара бошлайди.

БОШҚА ЖОЙЛАРДА ҲАМ УЧРАЙДИ

Жаҳонга машҳур "Бермуд учбурчаги" ҳудудида рўй бериб келаётган ҳалокатлар ҳақида кўп эшитганмиз. У ерларда кемалар ҳам, шу ҳудуд осмонидан учиб ўтадиган самолётлар ҳам ҳалокатга учраган ҳоллар оз эмас. Шундай "қарғиш теккан жойлар" бошқа ерларда ҳам учрайдими?

Алибой Эргашев,
Чилонзор тумани.

Интернет хабарларига кўра, бундай жойлар, жумладан, Россияда ҳам бор экан. Масалан, Пермь губернаси, Воронеж минтақасидаги Желтояр деб аталадиган ҳудуд, Волгоград областидаги Жирнов аномал ҳудуди шулар жумласидандир. Жирнов аномал ҳудуди "уч юлдузли" НУЖлар ва шарсимон яшинларнинг тез-тез пайдо бўлиб туриши билан ажралиб туради.

Волгоград областининг Медведицкая гряда деб номланадиган ҳудудида ҳар куни шарсимон яшинлар бир хил йўналишда учиб ўтаркан. Пограничное қишлоғи яқинида шарсимон яшинлар чўпонларга ҳужум қилса, жануби-шарқдаги барча уйларда полтергейст ҳодисаси кузатилади.

Одамлар бориш у ёқда турсин, ҳатто тилга олишга қўрқадиган жойлар ҳам бор экан. Мордовиянинг Сивинь дарё ўзани атрофларида ботқоқлар ва ўрмон бўлиб, маҳаллий аҳоли уни "Бермуд учбурчаги" деб атаркан. Бу ерда ўнлаб одамлар бедарак йўқолиб кетган. Уларнинг шарпалари баъзан қишлоқлар чеккаларида пайдо бўлиб, ўрмондан эса қичқириқлар, инграган товушлар эшитилиб туради.

Тула областининг Новомосковская деб аталадиган ҳудудида ҳеч хавф-хатарсиз вазиятларда одамларни поезд босиб кетиши ҳоллари учраб туради...

ЎРАЛГАН ҲОЛДА САҚЛАШ МАЪҚУЛ

Қайнонам ҳар қандай озиқ-овқат маҳсулотини совутгичга албатта бирон латтага, полиэтилен плёнкасига ёки қутичаси билан жойлаштиради. Шундай қилиш керак деб, бизларни ҳам шунга мажбур қилади. У ҳақмикин?..

Шоира Шукурхўжаева,
Собир Раҳимов тумани.

Тиббиёт фанлари номзоди С. Алимтоев жавоб беради:

— Албатта шундай қилиш керак. Замонавий совутгичлардан фойдаланиш бўйича йўриқномаларда айнан шундай қилиш тавсия этилган. Ривожланган мамлакатларда озиқ-овқатларни вакуумли қадоқлашга аллақачонлар ўтиб кетишгани бежиз эмас.

Музлатгичда гўштни чинни идишда устини дока ёки салфетка билан ёпган ҳолда сақлаш лозим. Резаворларни ҳам албатта дока остида, сабзавот ва меваларни эса – полиэтилен халтачаларда сақлаган маъқул.

Музлатгич камераси ёнига жойлаштирадиган ҳамма нарсаларингиз фольга ёки полиэтиленга ўралган бўлиши даркор. Бу усул озиқ-овқатларни қуришдан сақлабгина қолмай, балки совутгичда мавжуд бўладиган зарарли бўғланишлардан ҳам ҳимоя қилади.

Ё ОВҚАТ, ЁКИ ТЕЛЕВИЗОР!

Кейинги вақтларда кафе ва ресторанларда каттакон телевизорларни қўйиб қўйишганининг гувоҳи бўламиз. Уйда ҳам, кўпинча овқатланаётиб, кўзимизни телевизордан узмаймиз. Овқат ҳазм бўлишида бунинг салбий таъсири йўқмикин?

Шукуржон Алламов,
Бектемир тумани.

Тиббиёт фанлари номзоди О. Содирхонов жавоб беради:

— Бундай одат зарарли бўлиб, у одамни семиришга олиб боради. Хаёли телевизор экранида турган хўранда таомнинг ҳиди, мазаси, унинг дид билан келтирилишига эътибор қилмай, одатдагидан ортиқ овқат еб қўйганини билмай қолади. Бунда овқат миқдори кўпайиб, унинг ҳазм бўлиш фоизи камаяди.

Шифокорлар ва айниқса гастроэнтерологлар овқатланиш пайтида фақат овқат ҳақида, унинг қандай тайёрланиши, таомни ширин қиладиган турли-туман тавсиялар ҳақида гаплашиши, уй бекасини мактаб қўйиш, умуман овқатланиш жараёнини ёқимли бир удум, тадбирга айлантиришни маслаҳат беришади. Экран олдига ўтириб олиб, оғизга нима солаётганингизни билмаслигингиз кони зарардан бошқа нарса эмас.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Буюртма Г- 07

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.

Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 4398 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 6